N 9 (86) • 2007 йил 27 февраль

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

# Парламент хабарлари



## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

**Қонунларни изчил ва оғишмай ижро этиш, қонун устуворлигини таъминлаш Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим шартлари ва асосларидан биридир. Қабул қилинган қонунларнинг ўз вақтида ва лозим даражада амалга оширилишини таъминлаш бугунги кунда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд тармоқлари органлари олдида турган энг муҳим вазифалар сирасига киради.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, «бу борада яна қандай қонуний нормалар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши зарурлигини, амалдаги қонун ҳужжатлари бугун нима учун ишламаётганини аниқлаш ғоят муҳим аҳамият касб этади». Олий Мажлиснинг қонунчилик ва назорат вазифалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, парламент назоратининг асосий мақсади ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари билан уйғун ҳамкорлик орқали жойлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини ўрганиш асосида барча минтақаларда қонунларнинг ижро этилишини амалий жиҳатдан яхшилашдан иборат. Назорат вазифаларининг муҳим шаклларидан бири эса парламент сўровидир.

Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган семинар-тренинг «Парламент сўрови парламент назоратининг самарали шаклларидан биридир» деган мавзуга бағишланди.

Анжуманда таъкидлаб ўтилдики, халқ томонидан сайланган сенаторлар ва депутатлар амалдаги қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари ўз вақтида ҳамда талаб даражасида ижро этилиши учун масъулдирлар. Парламент назоратидан кўзланган асосий мақсад ҳам энг аввало қонунлар ижро этилиши самарадорлигини ошириш ҳамда умумхалқ манфаатларини янада пухтароқ ҳимоя қилинишига эришишдир. Парламент сўрови юбориш билан боғлиқ назорат ваколатларини амалга оширишнинг асослари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонунларда мужассам топган.

Семинар-тренинг иштирокчилари парламент сўровининг ўзига хос хусусиятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарларини баён этиш талаби билан тезкор мурожаат қилишда ифодаланишини таъкидладилар. Сенатнинг парламент сўрови мамлакат фуқароларининг соғлиғи ва ҳуқуқларига дахлдор, Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг манфаатларига тааллуқли ёки стратегик йўналишдаги умумдавлат аҳамиятига молик муаммолар бўйича амалга ошириб келинмоқда. Бундан ташқари Сенатнинг ҳар бир аъзоси ўзининг вакиллик вазифасини ҳам фаол тарзда адо эта бориб, парламент сўровини, бинобарин назорат вазифасини амалга оширишнинг асосларини ятариб ва кенгайтириб боради. Айни ана шу жиҳатлар парламент назоратининг бу шаклига жўшқинлик ва мослашувчанлик бахш этади ҳамда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ижроия ҳокимияти билан бошқа тармоқлари билан ўзаро ҳамкорлигида уни самарали юридик воситага айлантиради.

Семинар-тренинг мобайнида парламент сўрови юбориш борасида чет эл парламентаризми тажрибаси ҳам тилга олинди.

Минтақавий муаммоларни ҳал этишда сенаторлар томонидан парламент сўровини қўлланиш амалиётини хусусан Ўзбекистоннинг маҳаллий вакиллик органларида кенгайтиришга алоҳида эътибор қилинди.

Тадбирда кенг кўламда фикр алмашинилди ҳамда парламентнинг амалдаги қонунлар ҳамда ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилишини таъминлашга йўналтирилган назорат ваколатларини амалга оширишнинг шакллари ва усулларини янада такомиллаштиришга қаратилган турли нуқтаи назарлар баён этилди.

Семинар-тренингда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.***



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**22 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Депутатлар сиёсий партияларнинг 2006 йилдаги ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитдилар. Ушбу масала юзасидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси М.Тешабоев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгашининг раиси Л.Гуломов, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси Марказий кенгашининг биринчи котиби А.Турсунов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг биринчи котиби Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг раиси Х.Дўстмуҳамедов сўзга чиқдилар. Сиёсий партияларнинг ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида кўриб чиқилди.

Ҳисоботларни муҳокама қилиш чоғида депутатлар «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг яқин келгусида қабул қилиниши муносабати билан сиёсий партияларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси сиёсий партияларнинг 2006 йилдаги ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси О.Охунова тақдим этди. Мазкур ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида депутатлар тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар ҳамда ушбу Қонун қабул қилинишини ёқлаб овоз бердилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Тўхташев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

2007 йил 27 февралда Қонунчилик палатасининг мажлиси давом эттирилади.

**2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили**

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини янада кенгайтириш ва кучайтириш, унинг эҳтиёжманд тоифалари ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини юксалтириш мақсадларига йўналтирилган зарур чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 январда қабул қилинган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бунинг ёрқин исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан 1-Тошкент педагогика коллежида "Кучли ижтимоий ҳимоя – тараққиёт омили" мавзуида ўтказилган йиғилишда ана шу ҳақда сўз юритилди. Тадбир "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг ижросига бағишланди.

Унда давлатимиз раҳбарининг номи зикр этилган қарорида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини янада кучайтириш, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилиб, изчил амалга оширилаётгани таъкидланди.

Жойларда ушбу Дастурнинг барча бўлимлари ва бандлари тўлиқ ва сўзсиз бажарилиши бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилган ҳолда ташкил этилиши таъминланаётир. Икки мингдан зиёд ўқувчи таълим оладиган ушбу коллежда ҳам ижтимоий ҳимоя доирасида муҳим тадбирлар амалга оширилаяпти. Жумладан, эҳтиёжманд 12 нафар ўқувчига 10 минг сўм миқдорида ҳомийлик стипендияси белгиланган.

Анжуманда амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишга, унинг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

***ЎзА материаллари асосида тайёрланди.***

**Ўқувчилар диққатига**

«Норма маслаҳатчи» «СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 22.02.2007 | 1 | 0,8692 | 1 | 1,1414 | 1 | 0,0332 |
| Арманистон | 22.02.2007 | 1 | 353,7 | 1 | 464,94 | 1 | 13,5 |
| Беларусь | 23.02.2007 | 1 | 2142,00 | 1 | 2805,16 | 1 | 81,61 |
| Грузия | 23.02.2007 | 1 | 1,71 | 1 | 2,2396 | 1 | 0,0651 |
| Қозоғистон | 23.02.2007 | 1 | 124,52 | 1 | 163,06 | 1 | 4,74 |
| Қирғизистон | 17.02.2007 | 1 | 38,6752 | 1 | 50,7515 | 1 | 1,4741 |
| Латвия | 23.02.2007 | 1 | 0,535 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0204 |
| Литва | 23.02.2007 | 1 | 2,6373 | 1 | 3,4528 | 10 | 10,0439 |
| Молдова | 22.02.2007 | 1 | 12,7103 | 1 | 16,6944 | 1 | 0,4849 |
| Тожикистон | 23.02.2007 | 1 | 3,4382 | 1 | 4,5195 | 10 | 1,3099 |
| Ўзбекистон | 27.02.2007 | 1 | 1243,86 | 1 | 1640,28 | 1 | 47,39 |
| Украина | 22.02.2007 | 100 | 505,00 | 100 | 663,8225 | 10 | 1,9277 |
| Эстония | 22.02.2007 | 1 | 11,9586 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,455242 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 27 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 985,14 | 1 Малайзия ринггити | 356,36 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2442,57 | 1 Польша злотийси | 422,98 |
| 1 Дания кронаси | 220,11 | 1 СДР | 1863,39 |
| 1 БАА дирхами | 338,61 | 1 Туркия лираси | 900,70 |
| 1 АҚШ доллари | 1243,86 | 1 Швейцария франки | 1011,10 |
| 1 Миср фунти | 218,60 | 1 евро | 1640,28 |
| 1 Исландия кронаси | 18,75 | 10 Жанубий Корея вони | 13,28 |
| 1 Канада доллари | 1072,85 | 10 Япония иенаси | 102,91 |
| 1 Хитой юани | 160,62 | 1 Россия рубли | 47,39 |
| | | 1 Украина гривнаси | 246,31 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**Ҳурматли амалиётчи бухгалтерлар, аудиторлар, бухгалтерия ҳисоби, аудит, солиқлар ва молия соҳасида маслаҳат хизматларини кўрсатувчи мутахассислар, шунингдек талабалар ҳамда CIPA дастури фанлари ўқитувчилари, «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизими фойдаланувчилари (Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи), иш стажи ва жойидан қатъи назар**

## Сизларни «2007 ЙИЛГИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СОҲАСИДА ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУТАХАССИСЛАРИ»

**унвони учун танловда ўз кучларингизни синаб кўришга таклиф этамиз. Танлов Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кўмагида ўтказилади.**

***Танлов ташкилотчилари:*** *Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси, Ўзбекистон аудиторлар палатаси, Ўзбекистон бизнес фанлари ўқитувчилари уюшмаси, «Norma-Hamkor» МЧЖ, «Professional Buxgalterlar Sertifikatsiyasi» МЧЖ тимсолида CIPA имтиҳонлар тармоғи, A/CIPA – Прагма корпорацияси амалга ошираётган Бухгалтерия ҳисобини ва CIPA дастурини ривожлантириш бўйича USAID лойиҳаси.*

«2007 йилги бухгалтерия ҳисоби соҳасида энг яхши мутахассислар» унвони учун танлов Марказий танлов кенгаши (бундан кейин – МТК)нинг қарорига мувофиқ 2007 йил 1 февралидан бошлаб **очиқ** деб эълон қилинади.

Танловда Ўзбекистон Республикасида яшайдиган, иш стажи ва жойидан қатъи назар хоҳиш билдирган барча мутахассислар, шу жумладан амалиётчи бухгалтерлар, аудиторлар (ЎзР Молия вазирлигининг малака сертификатига эга бўлган), молия соҳасидаги маслаҳатчилар, шунингдек танловнинг ҳар бир номинацияси бўйича талабларни қаноатлантирадиган бошқа кўплаб мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танлов уч турда ўтказилади:

- I тур 2007 йилнинг 1 мартидан 1 апрелигача сиртдан ўтказилади;
- II тур Тошкент шаҳрида 2007 йил 19 майда бевосита иштирок этиш орқали ўтказилади;
- III тур МТКда суҳбат кўринишида 2007 йил 18 августда ўтказилади.

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ***«2007 йилнинг энг яхши бухгалтери»;***
- ***«2007 йилнинг энг яхши аудитори»;***
- ***«2007 йилнинг энг яхши маслаҳатчиси»;***
- ***«2007 йилда профессионал ўқув марказларида CIPA дастурининг энг яхши ўқитувчиси»;***
- ***«2007 йилда ЎзР олий ўқув юртларида CIPA дастурининг энг яхши ўқитувчиси»;***
- ***«Ёш умидлар» ёки «2007 йилда бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида ЎзРнинг энг яхши талабаси».***

Агар Сиз биринчи турнинг танлаб олинишида иштирок этишга қарор қилган бўлсангиз, ўргатувчи ташкилотнинг яқин орадаги ваколатхонасига мурожаат этишингиз мумкин. Танловда иштирок этишга буюртманома шакли ҳамда I турнинг танлов саволлари «Норма маслаҳатчи» газетасининг бугунги сонида (3-4-бетлар) чоп этилмоқда.

Танлов ғолиблари ва лауреатларини мукофотлаш маросими МТК томонидан Тошкентда 2007 йил 7 сентябрда ўтказилади.

Танловда иштирок этиш масаласи бўйича CIPAENнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасига қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат этинг: **(99871) 1400065** ва **1374961** ёхуд қуйидаги сайтимизга киринг: **www.cipaen.uz**

***МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМИЗ!***

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СОҲАСИДА ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУТАХАССИСЛАРИ-2007**

### Танловда иштирок этишга ариза

(анкета аниқ қилиб босма ҳарфлар билан тўлдирилади)

*Иштирокчи ҳақидаги шахсий маълумотлар:*

СУРАТ УЧУН ЖОЙ

Ф.И.Ш. ____________

Туғилган кун, ой ва йил ____________

Базавий маълумоти ____________

Ишлаш жойи ____________

Лавозими ____________

Иштирокчи ҳақидаги касбга оид маълумотлар:

Иқтисодий мутахассисликлар бўйича касб стажи ____________

Профессионал уюшмадаги аъзолик (номи) ____________

(аъзолик билетининг рақами) ____________

Сиз фойдаланадиган бухгалтерия дастурлари ва маълумот-ҳуқуқий базалар ____________

Боғланиш телефони, факс, E-mail: ____________

Хат-хабарларни олиш учун индекс, манзил ____________

| *CIPA ДАСТУРИ ПРЕДМЕТИНИНГ НОМИ* | Сиз иштирок этган сессия | Баллар миқдори (хоҳишингизга қараб кўрсатилади) |
|---|---|---|
| Молиявий ҳисоб N 1 | | |
| Бошқарув ҳисоби N 1 | | |
| Солиқлар ва ҳуқуқ | | |
| Молиявий ҳисоб N 2 | | |
| Молия | | |
| Аудит | | |
| Ахборот технологиялари | | |

**САТ сертификати** N ________ Берилди: ___/___/___ йй.

**САР сертификати** N ________ Берилди: ___/___/___ йй.

**CIPA сертификати** N ________ Берилди: ___/___/___ йй.

Марказий танлов комиссиясидан қуйидаги номинация бўйича "Бухгалтерия ҳисобисоҳасида йилнинг энг яхши мутахассислари-2007" танловида иштирок этиш учун мен тақдим этган анкетани кўриб чиқишни сўрайман:

*"2007 йилнинг энг яхши бухгалтери";*

*"2007 йилнинг энг яхши аудитори";*

*"2007 йилнинг энг яхши маслаҳатчиси";*

*"Малакали ўқув марказларида CIPA дастурини ўқитиш бўйича 2007 йилнинг энг яхши ўқитувчиси";*

*"ЎзР олий ўқув юртларида CIPA дастурини ўқитиш бўйича 2007 йилнинг энг яхши ўқитувчиси";*

*"Ёш умидлар".*

Мен юқорида кўрсатиб ўтган ахборот ҳаққонийдир. Олдиндан била туриб ёлғон маълумот кўрсатган тақдиримда танловда иштирок этишдан четлаштирилишим мумкинлигини биламан.

Шахсий имзо ____________

Тўлдириш вақти ____________

Тўлдирилган анкета билан бирга биринчи босқич саволларига берилган жавобларни қуйидаги манзилга етказиб беришингизни сўраймиз: **100000, Тошкент ш., Шарофобод кўч., 2** ёки қуйидаги электрон манзилга юборинг: konkurs@cipaen.uz

Маълумот учун телефонлар: (3712) 140-00-65 ёки 137-49-61.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**
  - “Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш, шунингдек айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”.
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**
  - “Ижтимоий ҳимоя йили” давлат дастури тўғрисида.
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**
  - “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”;
  - “О дополнительных мерах по стабилизации потребления электрической энергии”.
- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**
  - ЎзР МВ, ДСҚ, ДБҚнинг “Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори;
  - ЎзР МВ, ДСҚнинг “Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори;
  - ЎзР МВ, ДСҚнинг “Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори;
  - ЎзР МВ, ДСҚнинг “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори;
  - ЎзР МВ, ДСҚнинг “Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЪЗИ ФАРМОНЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ, ШУНИНГДЕК АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 4-6-сон, 37-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ–532-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчисининг хизмати (И.Б. Абдуллаев) зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 6 февраль*
*ПФ–3850-сон.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги ПФ–3850-сон Фармонига*
*1-ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАРИГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон Фармонида:

1-бандининг биринчи хатбоши «ёки ягона солиқ» сўзлари олиб ташлансин;

4-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 20 июндаги ПФ–3620-сон Фармони 1-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилансинки, ягона солиқ тўлови алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ–325-сон қарори 4-иловасининг 1-банди қуйидаги мазмундаги «д» кичик банди билан тўлдирилсин:

«д) микрокредитлаш бўйича хизматлар».

KAPITALBANK Хизматлар лицензияланган 132 - 07 - 03
Бир мақсадга интилиб
Муваффақиятга эришамиз

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2007 йил 6 февралдаги ПФ–3850-сон Фармонига*
*2-ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН АЙРИМ ФАРМОНЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида» 1996 йил 30 ноябрдаги ПФ–1652-сон Фармонининг 4-4.5 бандлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 3 декабрдаги ПФ–2151-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 июндаги ПФ–3270-сон Фармонининг 1—3-бандлари.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 4-6-сон, 39-модда)*

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагиларни кўзда тутувчи «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишга, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

«Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» мақсадли вазифасини ҳаётга аниқ татбиқ этиш;

аҳолининг ночор қатламлари — муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалда жорий этиш;

жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кўчайтириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва «Соғлом она — соғлом фарзанд» ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш, жумладан мактабларнинг юқори синфлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари ёшлари ўртасида тушунтириш ишлари ва факультатив машғулотлар ўтказиш;

ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, «Меҳрибонлик», «Саҳоват» ва «Мурувват» уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини, шунингдек умуман ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш даражасини ошириш;

ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг касб маҳорати ҳамда маънавий ўсишини моддий ва аҳлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишни ва спорт билан шуғулланишини ташкил қилиш, ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини тайёрлаш ва амалга ошириш;

фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, муҳтожларга беғараз ёрдам бериш.

2. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 декабрдаги Ф–2632-сонли Фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш бўйича 2-иловага* мувофиқ таркибда Кенгаш ташкил этилсин.

3. Республика комиссияси ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича кенгаш (Ш.М. Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир идора, аҳоли пункти, туман, шаҳар ва минтақа бўйича «Ижтимоий ҳимоя йили» ҳудудий ва тармоқ дастурларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласинлар;

республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандлари тўлиқ ҳамда сўзсиз бажарилиши бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этсинлар, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсинлар;

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури билан тасдиқланган топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот тақдим этиб турсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссияларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин, улар зиммасига Дастур тадбирларининг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши устидан ҳар ойлик мониторинг ва қатъий назорат олиб бориш вазифаси юклансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари жамиятда эзгулик ва меҳрибонлик муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг мақсадлари ва аҳамиятини кенг кўламда тушунтириш, тадбирларнинг амалга оширилишини, шу жумладан давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият органлари, ижтимоий ва нодавлат хайрия ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, шунингдек айрим фуқаролар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоалари қўшаётган аниқ ҳиссани мунтазам ёритиб боришни таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 23 январь*
*ПҚ–573-сон.*

---

***2-илова берилмайди.***

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2007 йил 23 январдаги ПҚ–573-сон қарорига*
*1-ИЛОВА*

## «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. Амалдаги ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда амалдагиларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, аҳолининг ночор қатламига ёрдам кўрсатишда дифференциялаштирилган ёндашувни амалга ошириш** | | | | | | |
| **1.1. А. Янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш** | | | | | | |
| **а) Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва киритиш:** | | | | | | |
| 1.1 | «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида». | 2007 йил II ярим йиллиги | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлар | | | Қонунда қуйидагиларни назарда тутиш мўлжалланади: аҳолининг ижтимоий ночор тоифасига ёрдам кўрсатишда дифференциялашган аниқ манзилга йўналтирилган ёндашув; ҳар бир фуқарони ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари; ижтимоий ҳимоянинг асосий шакллари ва методлари; аҳолининг кам таъминланганлигини баҳолаш мезонлари; хусусий тадбиркорлар ва жамоат ташкилотларининг аҳолининг ночор тоифасига ёрдам кўрсатишдаги иштироки. |
| 1.2. | «Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида». | 2007 йил II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | | | Қонунда болаларнинг, шу жумладан етим болаларнинг ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи мажбурий нормативлар назарда тутилади. |
| 1.3. | «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касбий касалликлардан давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида». | 2007 йил III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | | | Қонунда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларда ёки касбий касалликларда ходимларга кафолатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ходим ва иш берувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиби назарда тутилади. |
| 1.4 | «Тиббий суғурталаш тўғрисида». | 2007 йил IV чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Врачлар уюшмаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | | | Қонунда ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурталаш принципларини белгиловчи нормаларни, тиббий суғурта ташкилотини танлаш, барча турдаги тиббий ёрдамдан фойдалана олиш, суғурта ташкилотлари ва тиббий муассасаларнинг ўз мажбуриятларини бажариш механизми ва кафолатларини назарда тутиш мўлжалланади. |
| 2. | **б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилган қуйидаги қонунларни қабул қилиш:** | | | | | |
| 2.1. | «Ҳомийлик тўғрисида». | 2007 йил I чорак | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Адлия вазирлиги, «Меҳр нури» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | | | Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишда муҳокама қилиш ва қабул қилиш, Сенат томонидан ҳомийлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни қонунчилик даражасида мувофиқлаштирувчи қонун лойиҳасини муҳокама этиш ва қабул қилиш. |
| 2.2. | «Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида». | 2007 йил I чорак | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Меҳр нури» жамғармаси | | | Қонуннинг Сенат томонидан қабул қилиниши аҳолида, айниқса 2-4-даражали камқонлик ҳамда эндокрин касалликлари билан оғриган болалар ва ҳомиладор аёлларда йод танқислигининг салбий оқибатларини камайтиришни таъминлайди. |
| 3. | **в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонлари, қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш:** | | | | | |
| 3.1. | «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни яхшилаш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». | 2007 йил февраль | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги | | | Ҳужжатнинг қабул қилиниши меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 3.2. | «Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежлар фаолияти тўғрисида». | 2007 йил II чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти | | | Қарорнинг қабул қилиниши мазкур ихтисослаштирилган коллежларнинг ҳуқуқий мақомини ва уларнинг ўқувчиларини моддий таъминлаш нормаларини белгилаш имконини беради. |
| 3.3. | «Ёш оилаларни моддий ва маънавий давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон. | 2007 йил I чорак | Молия вазирлиги, Марказий банк, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси | | | Ҳужжатнинг қабул қилиниши ёш оилаларга қўшимча имтиёзлар белгилаш, шунингдек ипотека ва истеъмол кредитларидан фойдаланишни таъминлаш имконини беради. |
| 3.4. | «Ночор оилаларга маҳалла қўмиталари томонидан моддий ёрдам кўрсатишда қўшимча манбаларни жалб этиш тўғрисида»ги Фармон. | 2007 йил I чорак | Молия вазирлиги, Республика йўл фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси ва бошқалар | | | Муҳтож оилаларга маҳалла қўмиталари орқали қўшимча манбаларни жалб этган ҳолда моддий ёрдам кўрсатишни ошириш.<br>Қўшимча маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилувчи ҳомийларнинг васийлик кенгашларини ташкил этиш.<br>Буларнинг барчаси аҳолининг ночор қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳалла қўмитасининг ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлаши лозим. |
| 3.5. | «Оилавий болалар уйлари тўғрисида». | 2007 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | | | Оилавий болалар уйларининг мақомини, уларни ташкил этиш, болаларни қабул қилиш учун уларни асраб олиш тартибини, болаларни асраб олган ота-оналарнинг ҳуқуқлари ва кафолатларини белгилаш. |
| 3.6. | «Ихтисослаштирилган мактаблар ва интернатларни битириб чиққан етим болалар, ота-онасининг қаровисиз қолган болалар ва алоҳида муҳтож болалар учун уларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришида бериладиган қўшимча имтиёзлар тўғрисида». | 2007 йил II чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги | | | Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳаси.<br>Муҳтож болалар учун таълим олишдаги имкониятларни кенгайтириш, уларни иш, даромадлар билан таъминлаш, улар турмушини сифат жиҳатидан яхшилаш. |
| | **1.2. Амалдаги қонун ҳужжатларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар.** | | | | | |
| **4.** | **а) Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:** | | | | | |
| 4.1. | «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги тўғрисида». | 2007 йил III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, НАННОУз, «Маҳалла», «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази | | | Қонунга қўшимчалар киритилиши ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш шарт-шароитларини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда иш берувчиларнинг ногиронларни иш билан таъминлашдан манфаатдорлигини ошириш имконини беради. |
| 4.2. | «Таълим тўғрисида». | 2007 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | | | «Таълим тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган қўшимчалар ўқув юртларига қатнаш имкониятига эга бўлмаган ногирон болалар учун инклюзив таълим бериш мақомини ва мазмунини белгилайди. |
| 4.3. | «Реклама тўғрисида». | 2007 йил IV чорак | Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Адлия вазирлиги | | | Қонунга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар оммавий ахборот воситаларида ва реклама майдонларида ижтимоий рекламани мажбурий жойлаштириш нормасини назарда тутади. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 4.4. | Уй-жой кодекси, «Табиий монополиялар тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонунлар. | 2007 йил I ярим йиллиги | Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Бош прокуратура, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | | | Қўшимчалар киритилиши: аҳолининг ҳаёт таъминотини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, товарлар ва хизматларнинг рақобатга бардошлигини ошириш учун янада қулай иқтисодий шароитлар яратиш; уй-жой-коммунал хизматлар баҳосининг мақбуллигини кафолатловчи монополияга қарши чораларни аниқлаш-тириш имконини беради. |
| 5. | **б) Қуйидаги ҳукумат қарорларига ва идоравий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш:** | | | | | |
| 5.1. | Балоғатга етмаган болаларни болаликка олиш ва болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисида Низом. | 2007 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | | | Ўзгартириш киритилиши ота-онасининг қаровисиз қолган, шунингдек болалар ва «Меҳрибонлик» уйлари болаларини улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмини таъминлашда болаликка олиш ва уларга ҳомийлик қилиш тартиботини соддалаштириш имконини беради. |
| 5.2. | Никоҳдан ўтадиган шахсларни никоҳдан ўтгунгача тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида Низом. | 2007 йил I чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Молия вазирлиги | | | Соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини такомиллаштириш. |
| 5.3. | 16 ёшгача бўлган болаларга ногиронликни тайинлаш тартиботи. | 2007 йил II чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | | | Бажарувчиларнинг қўшма буйруғи. Ногирон болаларни тиббий кўрикдан ўтказишлар сонини камайтириш. |
| 5.4. | Ижтимоий муҳофаза муассасаларининг ҳар қайси тури: болалар уйлари, «Меҳрибонлик», «Мурувват», «Саховат» уйлари ва ихтисослаштирилган интернатлар учун намунавий штатлар. | 2007 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги | | | Бажарувчиларнинг қўшма қарори. Штат бирликларини унга психологлар, психоневрологлар ва бошқа мутахассисларни мажбурий киритган ҳолда ўзгартириш. |
| 5.5. | Болалар уйлари, «Меҳрибонлик», «Мурувват», «Саховат» уйлари ва ихтисослаштирилган интернатларни юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар билан жиҳозлаш нормалари. | 2007 йил II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | | | Бажарувчиларнинг қўшма қарори. Болаларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши, таълим олиши ва дам олишини таъминлаш заруратидан келиб чиққан ҳолда юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар билан жиҳозлашнинг янги асосланган нормаларини тасдиқлаш. |
| 5.6. | Болалар уйлари ва мактаб-интернатлар, ихтисослаштирилган ёрдамлашиш мактаблари тарбияланувчилари овқатларининг сифати ва калориялигини яхшилаш учун бир нафар ўқувчи ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш нормалари. | 2007 йил I чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | Бажарувчиларнинг қўшма қарори. Санитария қоидалари ва нормаларига қўшимчалар. Ёшига ва физиологик эҳтиёжларига мувофиқ равишда болалар овқатланишини яхшилаш. |
| | **1.3. «Ижтимоий ҳимоя йили» Дастурининг вазифалари ва уни амалга ошириш тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш** | | | | | |
| 6. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституция қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир» маърузаси қоидаларини аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилишни ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | Республика «Маънавият тарғибот» маркази, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний», «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми», «Мустақил ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 30,0 | Бажарувчилар маблағи | Қўшма тадбирлар режаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституция қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир» маърузаси қоидаларини оммавий ахборот воситалари орқали, ижрочилар томонидан ташкил этиладиган семинарлар, конференциялар, фуқаролар йиғинларида тушунтириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 7. | Дастурнинг вазифалари ва йўналишлари, унинг бутун республика, шунингдек ҳудудлар, шаҳар ва туманлар доирасида амалга оширилишини оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радио, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари ва маҳаллаларда кенг ёритиш. | 2007 йил мобайнида | Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси | | | Қўшма тадбирлар режаси. Аҳоли ўртасида «Ижтимоий ҳимоя йили» Дастури доирасида ўтказиладиган тадбирларнинг аҳамияти ва мазмунини оммавий ахборот воситалари орқали, ижрочилар томонидан ташкил этиладиган семинарлар, конференциялар, фуқаролар йиғинларида тушунтириш. |
| 8. | Чет элларда «Ижтимоий ҳимоя йили» Дастурининг роли ва аҳамияти тўғрисида мунтазам равишда ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда хорижий шериклар ва ҳомийларни дастур тадбирларини амалга оширишда ҳамкорлик қилишга жалб этиш. | 2007 йил мобайнида | Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Uzbekistan today» ахборот агентлиги | | | Нашрлар, семинарлар, брифинглар орқали Ўзбекистон Республикасининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича сиёсати ва тадбирлари тўғрисида хорижий мамлакатларнинг хабардорлигини ошириш, дастурни амалга ошириш учун имтиёзли кредитларни, грантларни, халқаро мурувват ёрдамини, моддий-техника воситаларини жалб этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. |
| **II. «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисини йўқотган болаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» инсонпарварлик шиорини ҳаётга амалда татбиқ этишни таъминлаш** | | | | | | |
| 9. | 2007—2010 йилларда «Меҳрибонлик» уйларини ҳамда жисмоний ва ақлий заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг техника билан жиҳозланганлик даражасини ошириш Давлат дастурини эҳтиёжларни олдиндан хатловдан ўтказиш асосида ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унда қуйидагиларни назарда тутиш:<br>— муассасаларни мукаммал реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш;<br>— янгидан тасдиқланган нормаларга мувофиқ мебеллар ва юмшоқ инвентарлар, асбоб-ускуналар, техник ва ёрдамчи воситалар, компьютер синфлари билан тўлиқ таъминлаш;<br>— ҳар бир болалар уйини (28 та) ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни (86 та) Самарқанд автобус заводи автобуслари билан таъминлаш. | Ишлаб чиқиш – 2007 йил II чорак, қабул қилиш – 2007 йил IV чорак | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 9040,2 | Бюджет маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. Муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тарбияланувчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш. |
| 10. | «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш: | | | | | |
| 10.1. | Қуйидагиларни:<br>— Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида сколиоз билан касалланган болалар учун санаторий типидаги ихтисослаштирилган 6-мактаб-интернатни;<br>— Қарши шаҳрида кўзи ожиз ва кўриш қобилияти паст болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатни қуриш ва жиҳозлаш. | 2007 йил III чорак | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси<br><br>Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси | 665,2<br><br>1045,3 | Мактаб таълими жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети<br><br>Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет | Таянч-ҳаракат механизми ва кўзи касал болаларни даволаш учун қўшимча шароитлар яратиш.<br><br>Ихтисослаштирилган болалар муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.<br><br>Тарбияланувчиларнинг фаол дам олишини ташкил этиш учун барча зарур шароитларни яратиш |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 10.2. | Қуйидагиларни:<br>— Фарғона шаҳрида сил касаллигига чалинган болалар учун 2-сон мактаб-интернатни ҳамда Фарғона вилояти Бағдод туманида ақли заиф болалар учун ётоқхонага эга бўлган 88-сон мактаб-интернатни;<br>— Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида ақли заиф болалар учун ётоқхонаси бўлган 97-сон мактаб-интернатни мукаммал реконструкция қилиш ва жиҳозлаш. | 2007 йил III чорак<br>2007 йил III чорак | Фарғона вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси<br>Хоразм вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси | 729,8<br>357,4 | Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет<br>Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет | Сил касаллигига чалинган ва ақли заиф болаларнинг таълим олиши ва яшаши учун қўшимча шароитлар яратиш. Муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.<br>Тарбияланувчиларнинг фаол дам олишини ташкил этиш учун барча зарур шароитларни яратиш. |
| 10.3. | Қуйидагиларни:<br>— Андижон шаҳридаги ақли заиф болалар учун 12-сон ёрдамлашиш мактабини ва Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги сил касаллигига чалинган болалар учун 11-сон мактаб-интернатни;<br>— Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги сил касаллигига чалинган болалар учун 2-сон мактаб-интернатни ва Ромитан туманидаги ақли заиф болалар учун 26-сон ёрдамлашиш мактабини;<br>— Наманган вилояти Косонсой туманидаги кўзи ожиз ва кўриш қобилияти паст болалар учун 45-сон мактаб-интернатни ва Уйчи туманидаги сколиоз билан касал-ланган болалар учун санаторий типидаги 40-сон мактабни;<br>— Хоразм вилояти Гурлан туманидаги кам таъминланган оилалар болалари учун 95-сон мактаб-интернатни мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш. | 2007 йил III чорак<br>2007 йил III чорак<br>2007 йил III чорак<br>2007 йил III чорак | Андижон вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси<br>Бухоро вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси<br>Наманган вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси<br>Хоразм вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси | 282,1<br>337,2<br>437,3<br>224,0 | Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет<br>Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет<br>Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет<br>Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет | Таянч-ҳаракат механизми ва кўзи касал, сил касаллигига чалинган ҳамда ақли заиф болаларни даволаш учун қўшимча шароитлар яратиш.<br>Болалар муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.<br>Тарбияланувчиларнинг фаол дам олишини ташкил этиш учун барча зарур шароитларни яратиш. |
| 10.4. | Бухоро шаҳридаги ақли заиф болалар учун 27-сон мактаб-интернати, сколиоз билан касалланган болалар учун санаторий типидаги 23-сон мактаб-интернатни ҳамда ёрдамлашиш мактабини мебеллар ва юмшоқ инвентарлар, асбоб-ускуналар, техник ва ёрдамчи воситалар билан жиҳозлаш. | 2007 йил III чорак | Бухоро вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги | 225,2 | Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет | Даволаш-соғломлаштириш ва коррекцион-психологик ёрдам тизимини такомиллаштириш, тарбияланувчиларнинг фаол дам олишини ташкил этиш учун барча зарур шароитларни яратиш. |
| 10.5. | Тошкент шаҳридаги 2-сон – «Мурувват» болалар уйини таъмирлаш. | 2007 йил мобайнида | Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги | 80,5 | Грант маблағлари | Тарбияланувчиларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш. |
| 10.6. | Самарқанд шаҳрида «SOS-Самарқанд болалар қишлоғи»ни очиш. | 2007 йил II чорак | «SOS Киндердорф Интернешнл», Самарқанд вилояти ҳокимлиги | 2000 минг АҚШ доллари | Бажарувчи-лар маблағи | Етим болаларни ҳар томонлама тарбиялаш учун шароитлар яратиш. |
| 11. | Қуйидагилар:<br>— камида 8 нафар боликка олинган болаларни тарбиялаётган оилани микроавтобус («Дамас») билан таъминлаш;<br>— оилавий бизнесни ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар (микрокредитлар) ажратиш орқали ҳар бир оилавий болалар уйига шарт-шароитлар яратиш. | 2007 йил мобайнида<br>2007 йил II чоракдан бошлаб | Халқ таълими вазирлиги, «Ўзавтосаноат» давлат-акциядорлик компанияси<br>Марказий банк, «Микрокредитбанк», тижорат банклари | 67,5<br>15,0 | Ҳомийлар маблағлари<br>Тижорат банклари маблағлари | Оилавий болалар уйларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.<br>Оилавий болалар уйлари даромадлари манбаларини яратиш. |
| 12. | Ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ўқиётган жисмоний ва ақлий заиф болалар учун дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларини (59 номда) яратиш ва нашр қилиш. | 2007 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | 168,0 | Бюджет маблағлари доирасида | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Узлуксиз таълим тизими учун янги ўқув дас-турларини, дарсликларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарори. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 13. | Ногиронлиги оқибатида мактабга бориш имкониятига эга бўлмаган болаларни:<br>— компьютер ва мультимедияли ўқитиш дастурлари (ҳар бир туманда 5—9-синфлардаги 5 нафардан ногирон ўқувчилар);<br>— зарур ўқув мебеллари, дарсликлар ва ўқув анжомлари билан таъминлаш (жами 11 минг бола). | 2007 йил мобайнида<br>2007-2008 ўқув йили бошида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги<br>Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 1000,0<br>1109,4 | Хайрия жамғармалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар<br>Бюджет маблағлари | Ногирон болаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларни фаол ҳаётга жалб этиш.<br>Муҳтож болаларни зарур ўқув мебеллари, дарсликлар ва ўқув анжомлари билан таъминлаш. |
| 14. | Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳузурида:<br>— заиф болалар гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилишни мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва мониторинг билан таъминлаш масалалари бўйича жамоатчилик кенгашини;<br>— республика барча минтақалари мутахассислари учун заиф болалар гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича илмий-методик, ҳуқуқий, психологик, педагогик ва таълим хизматлари кўрсатувчи ахборот-консалтинг хизматини ташкил этиш. | 2007 йил I чорак<br>2007 йил апрель | Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | 80,0<br>15,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг тадбирлар комплекси.<br>Тегишли вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотларининг заиф болалар муаммолари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш.<br>Заиф болалар гуруҳлари билан ишлайдиган мутахассисларнинг билим даражасини ошириш. |
| 15. | «Меҳрибонлик» уйларидаги ёш қизларни махсус мажбурий тиббий текширишдан ўтказиш тартибини жорий этиш ва профилактик кўрикдан мунтазам равишда ўтказиш.<br>«Меҳрибонлик» уйларида тарбияланаётган ёш қизларни замонавий шахсий гигиена буюмлари билан доимий асосда таъминлаш. | 2007 йил II чоракдан бошлаб | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари<br>Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 150,0<br>10,0 | Бюджет маблағлари доирасида ва бажарувчилар маблағлари<br>Бюджет маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма буйруғи.<br>«Меҳрибонлик» уйларидаги ёш қизларнинг репродуктив соғлиғини яхшилаш. |
| 16. | «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини ва ногирон болаларни коллежларда қулай ва зарур касб-ҳунарларга ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш. | 2007 йил I чорак | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти | | | Ўқитиш дастури.<br>Ногиронларнинг мақбул меҳнат фаолияти учун шароитлар яратиш |
| 17. | Ҳар бир минтақада «Меҳрибонлик» уйларида тарбияланиб чиққанлар учун уларни ишга жойлаштириш жойидаги потенциал корхоналар яқинидаги ҳудудда оилавий блоклари бўлган ётоқхоналар ташкил қилиш. | 2007 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси | 2800,0 | Бажарувчилар маблағлари | «Меҳрибонлик» уйларида тарбияланиб чиққанларнинг яшаши ва меҳнат фаолиятини бошлаши учун шароитлар яратиш. |
| 18. | 2007/2008 ўқув йилидан бошлаб:<br>— Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузурида қабул қилиш квотаси 150 киши этиб белгиланган ва кейинчалик битирувчиларни аниқ манзиллар бўйича тақсимлаган ҳолда махсус дефектология факультетини ташкил қилиш;<br>— Нукус, Ангрен, Қўқон, Жиззах ва Навоий педагогика институтлари ҳузурида — дефектология кафедралари ташкил қилиш асосида ихтисослаштирилган мактаблар ўқитувчиларининг касбий даражасини ошириш тизимини яратиш. | 2007 йил мобайнида | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги | 55,1 | Бюджет маблағлари доирасида | Имкониятлари чекланган болалар билан ишлаш учун ижтимоий соҳа педагогларини касбий тайёрлаш тизимини яратиш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **III. Аҳолининг ночор қатламлари - муҳтож оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларни аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳалланинг ролини ошириш** | | | | | |
| 19. | Ногиронлар учун касаначилик мақсадли иш жойларини яратиш чораларини ҳисобга олган ҳолда 2007 йилда иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастурлари параметрларига тузатишлар киритиш. | 2007 йил I чорак | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, «Меҳр нури» жамғармаси, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси | | | Аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни ишга жойлаштириш шароитларини яхшилаш. Нодавлат нотижорат ташкилотларини ишга жойлаштиришга жалб этиш. |
| 20 | Жамоат ташкилотлари иштирокида ўз ишини юритиш асосларига ўқитиш тизимини яратиш, кейинчалик:<br>— ногиронларга;<br>— кам таъминланган оилаларга;<br>— кўп болали оилаларга микрокредитлар бериш.<br>Ўз бизнесини йўлга қўйиш бўйича энг яхши тажрибани оммалаштириш учун кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг «Муваффақият мактаблари»ни ташкил этиш. | Тадбирлар режаси 2007 йил I чорак, тадбирларни амалга ошириш – 2007 йил мобайнида | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ногиронлар жамияти, «Микрокредитбанк», тижорат банклари, Кредит иттифоқлари уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, «Меҳр нури» , «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Болалар жамғармаси | | | Биргаликдаги тадбирлар режаси. Ногиронлар, кам таъминланган оилалар, кўп болали оилаларнинг даромадларини, шу жумладан муқобил манабалардан даромадларини кўпайтириш. |
| 21. | Тошкент ва Фарғона шаҳарларида имкониятлари чекланган ва жисмоний ривожланишида ўзига хос хусусиятли шахслар учун маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ва бухгалтерия ҳисоби ихтисослари бўйича ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ташкил этиш.<br>Кўрсатиб ўтилган коллежлар ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш. | 2007 йил мобайнида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | 412,9 | Бюджет маблағлари | Ногирон болаларни аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ўрта махсус маълумот олиши учун шароитлар билан таъминлаш. |
| 22. | Кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотган оилалар учун ҳар ойлик ҳомийлик тўловлари амалиётини жорий этиш, кексалар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар учун Ўзбекистон минтақаларида махсус хайрия тадбирларини ўтказиш бўйича «Меҳр нури» жамғармаси тажрибасини республиканинг барча минтақаларида оммалаштириш. | 2007 йил мобайнида | «Меҳр нури» жамғармаси, Ногиронлар жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси, Болалар жамғармаси | | | Биргаликдаги тадбирлар режаси. |
| 23. | Қуйидагилар:<br>— Республиканинг ҳар бир туманида 200-300 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол ажратиш; | 2007 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси | 18000,0 | Ҳомийлар маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қарори. |
| | — кўп болали 7 минг оилага қорамол сотиб олиш учун имтиёзли мақсадли кредитлар ажратиш. | 2007 йил мобайнида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | 7000,0 | Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси | Даромад манбаларини яратиш йўли билан кам таъминланган оилалар фаровонлигини ошириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 24. | Қуйидагиларни:<br>— 1-синф ўқувчиларини (520,0 минг ўқувчини) ўқув анжомлари комплекти билан;<br>— кам таъминланган оилалардаги ўқувчиларни (724,0 минг ўқувчини) қишки кийимбош комплекти билан;<br>— академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни кийим-кечак, пойабзал, озиқ-овқат ва стипендия билан;<br>— ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалардаги ўқувчи болаларни, айниқса қизларни спорт формалари ва анжомлари билан бепул таъминлаш. | 2007 йил III-IV чораклари | Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 33147,2 шу жумладан:<br>6160,3<br><br>18853,8<br><br>6210,1<br><br>1923,0 | Бюджет маблағлари доирасида | I-синф ўқувчиларини ва кам таъминланган оилалардаги ўқувчиларни аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш |
| 25. | Аҳолининг муҳтож тоифаларини касб-ҳунар таълимига ўқитиш ва даромаднинг муқобил манбаларини олиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | Тадбирларни 2007 йилнинг I чорагида ишлаб чиқиш, апрелдан бошлаб амалга ошириш | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Зарафшон» нодавлат нотижорат ташкилоти | | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Ўқув дастурлари. Аҳоли муҳтож қатламларининг фаровонлик даражасини ошириш |
| 26. | «2007—2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишни ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури»нинг 2007 йил учун белгиланган, қуйидагиларни назарда тутган топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажаришни таъминлаш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш:<br>— ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини кучайтириш;<br>— ёлғиз кексаларни даволаш ва соғломлаштириш, уларга геронтологик ёрдамни кучайтириш;<br>— республиканинг барча минтақаларида 800 нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйларини, квартираларини капитал таъмирлаш тарзида уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш;<br>— 12 та «Саховат» ва «Мурувват» уйларини, санаторийларини капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш;<br>— ногиронлар ва ёлғиз кексаларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг янги шакллари, методлари ва технологияларини жорий этиш (ижтимоий полизлар, ижтимоий таксилар, уй санаторийлари ва бошқалар). | 2007 йил мобайнида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Меҳр нури» жамғармалари, «Аёллар кенгаши» ЖБ, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти, Ногиронлар жамияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати | 6751,0 шу жумладан:<br><br>3332,7<br><br>3418,3 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари<br><br>Бюджет маблағлари<br><br>Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишни ҳамда уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни кучайтириш, уларнинг фаол узоқ умр кўришини узайтириш. |
| 27. | Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида қишлоқ аҳоли пунктларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш — сув таъминоти объектларини реконструкция қилиш ва тиклаш. | 2007 йил октябрь | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, вилоятлар ҳокимликлари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | 6700,0 шу жумладан<br>1000,0<br>2000,0<br>1000,0<br>1000,0<br>700,0<br>1000,0 | Ҳомийлар маблағлари: «Ўзавтосаноат» ДАК «Ўзнефтгаз» МХК «Ўзбекэнерго» ДАК «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК «Ўзметкомбинат» бирлашмаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати | Аҳолини ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш |
| 28. | Кўп болали ва кам таъминланган оилалар аъзоларидан, уруш ва меҳнат фахрийларидан 300 минг кишига коллектив шартнома ва битимлар орқали моддий ёрдам кўрсатиш. | 2007 йил мобайнида | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Меҳр нури» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 6000,0 шу жумладан:<br>350,0 | Корхоналар, ташкилотлар маблағлари Касаба уюшмалари маблағлари | Аҳолининг муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш. |
| 29. | Қуйидагиларни:<br>— болаликдан ногиронларни (221,8 минг киши);<br>— ҳомиладорлик ва туғишда;<br>— бола туғилганида нафақалар билан таъминлаш. | 2007 йил мобайнида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги | 139190,9 | Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари | Аҳолининг муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 30. | «Наврўз» ва «Мустақиллик» байрамлари арафасида умумхалқ ҳашарларини ўтказиш ҳамда ҳар бир маҳаллада ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш. | 2007 йил март, август | «Маҳалла», «Меҳр нури» жамғармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, муассасалар, корхоналар | 2000,0 | Ҳашарлардан тушган маблағлар | Аҳолининг муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга аҳолини фаол жалб этиш. |
| 31. | Ёз даврида болалар соғломлаштириш лагерларида 200 минг болани, улардан 11 минг болани, шу жумладан «Меҳрибонлик» болалар уйларидаги 2 минг етим болаларни бепул соғломлаштириш. | 2007 йил ёз даврида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» ЖБ | 1330,0 шу жумладан:<br>1225,0<br>30,0 | Ҳокимликлар, «Маҳалла» жамғармаси, касаба уюшмалари маблағлари. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига йўналтириладиган ягона ижтимоий тўлов маблағлари. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Болаларни тўлақонли жисмоний ва маънавий ривожлантиришни таъминлаш. |
| 32. | 1000 нафар кўзи ожиз — катаракта билан касалланган ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни уларнинг кўзини интраокуляр линза билан коррекциялаш (сунъий кўз гавҳари билан протезлаш) йўли билан реабилитация қилиш.<br>Республика кўз микрожарроҳлиги ихтисослаштирилган марказини замонавий даволаш-диагностика аппаратлари билан жиҳозлаш. | 2007 йил мобайнида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 30,0<br>180,0 | Ҳомийлар маблағлари<br>Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси кредити | 1000 нафар кексалар, пенсионерлар ва кўзи ожиз ногиронларни реабилитация қилиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш.<br>Беморлар ва ногиронларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш. |
| 33. | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги санаторийларга, Семашко номидаги илмий тадқиқот институтига ҳамда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши шифохоналарига бепул йўлланмалар ажратиш йўли билан 32 минг пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронларни, шу жумладан 1100 нафар муҳтож ёлғиз кишиларни санаторий-курорт муассасаларида соғломлаштириш.<br>— касаба уюшмалари санаторийларида 53 минг кишини, шу жумладан кам таъминланган оилалардаги ва кўп болали ходимлардан 1520 кишини, Чернобиль АЭСи ҳалокатини бартараф этиш қатнашчиларидан 300 кишини, «Меҳрибонлик» ва «Саховат» уйларидан 120 кишини бепул соғломлаштириш. | 2007 йил мобайнида<br>2007 йил мобайнида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Меҳр нури» жамғармаси | 2800,0 шу жумладан:<br>2000,0<br>800,0<br>8480,0 улардан:<br>3016,0 | Бюджет маблағлари доирасида Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари<br>Бажарувчилар, ҳомийлар ва Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маблағлари. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига йўналтириладиган ягона ижтимоий тўлов маблағлари | Уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва узоқ умр кўришини таъминлаш.<br>Аҳолининг кам таъминланган ва муҳтож қатламларини соғломлаштириш кўламини кенгайтириш. |
| 34. | 120 минг ходимни, шу жумладан 30 минг ногиронлар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларини, кам таъминланган оилалар аъзоларини коллектив шартномалар ва битимлар орқали маданий дам олишини ва соғломлаштиришни ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси | 9000,0 шу жумладан:<br>500,0 | Корхоналар ва ташкилотлар маблағлари. Касаба уюшмалари маблағлари | Аҳолининг муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 35. | Қуйидагилар:<br>— ижтимоий аҳамиятли касалликларга чалинган беморларни ҳаётий муҳим дори-дармонлар билан;<br>— фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан нафақа оладиган болаликдан ногиронлар, етим болалар, ногиронлар, уруш қатнашчилари ва ногиронлари, уруш ортида меҳнат қилганлар, кам таъминланган оилалардаги шахсларни юқори малакали тиббий ёрдам билан таъминлаш. | 2007 йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Меҳр нури» жамғармаси | 7000,0 шу жумладан:<br>5500,0<br>1500 | Бюджет маблағлари доирасида | Ижтимоий аҳамиятли касалликларга чалинган беморларни даволаш ва аҳолининг муҳтож қатламини аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш. |
| 36. | Қуйидагилар:<br>— Тошкент вилоятидаги Оҳангарон «Саховат» уйини мукаммал таъмирлаш; | 2007 йил мобайнида | Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкент вилояти ҳокимлиги | 900,0 | Бажарувчилар маблағлари | Тиббий-ижтимоий муассасаларда уй-жой-маиший шароитларни яхшилаш. |
| | — Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги уруш ва меҳнат фахрийлари учун «Маржон суви» санаторийсида «Қишки боғ» ва ўтиш галереяси қурилишини ташкил этиш; | 2007 йил мобайнида | Жиззах вилояти ҳокимлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | 250,0 шу жумладан: 200,0<br>50,0 | Ҳокимлик ва ҳомийлар маблағлари. Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари | Уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ошириш. |
| | - Тошкент вилоятидаги уруш ва меҳнат фахрийлари учун «Товоқсой» ҳамда Фарғона вилоятидаги «Олтиариқ» санаторийларини таъмирлаш; | 2007 йил мобайнида | Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | 300,0 шу жумладан: 200,0<br>100,0 | Ҳокимлик ва ҳомийлар маблағлари. Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағ лари | Аҳолининг заиф қатламларини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш. |
| | — Чимбой, Чувама ва Қарши «Мурувват» уйларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. | 2007 йил мобайнида | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | 21,0 | Касаба уюшмалари маблағ лари | |
| 37. | Фаолият кўрсатаётган ёлғиз кишиларнинг ўзаро мулоқотда бўлиш ва дам олиш марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар ва турлари ҳажмларини кенгайтириш.<br>Ёлғиз кишиларга хизмат кўрсатишга илғор хориж технологияларини татбиқ этиш. | 2007 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Меҳр нури» жамғармалари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти | 200,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Тадбирларнинг аниқ режаси. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш. |
| 38. | Янгидан қурилаётган бинолар атрофида мажбурий тартибда махсус йўлкалар ва нишаб йўлкалар барпо этиш, шунингдек ногиронлар яшайдиган барча тиббий-ижтимоий муассасаларни улар билан таъминлаш йўли билан аравачалар ёрдамида ҳаракатланадиган ногиронларнинг турар-жойларга ҳамда ижтимоий муассасаларга бора олишлари учун шароитларни яхшилаш.<br>Шаҳар жамоат автотранспортига ногиронларни кўтарувчи мосламалари билан жиҳозланган махсус транспорт воситалари турларини татбиқ этиш. | Доимо | «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | Маҳаллий бюджетлар ва ҳомийлар маблағлари | Қурилиш нормалари ва қоидаларини такомиллаштириш. Ногиронларнинг жамоат муассасалари ва биноларига боришлари, жамоат транспортида ҳаракатланишлари учун шароитларни яхшилаш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 39. | Муҳтож бўлган 14 минг ногиронни ижтимоий реабилитация қилиш ва шу жумладан 6 минг ногиронни қўл-оёқ протезлари билан бепул таъминлаш, 2,5 минг ногиронлар аравачалари, 1,5 минг эшитиш аппаратлари, 4 минг қўлтиқтаёқлар, ҳассалар ажратиш ҳамда 50 нафар ногиронни сунъий тос-сон бўғими билан таъминлаш. | 2007 йил мобайнида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, «Меҳр нури» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти, халқаро инсонпарварлик ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар | 1275,0 шу жумладан:<br>735,0<br><br>540,0 | Бюджет маблағлари донрасида Ҳомийлар маблағлари | Ногиронларни зарур протезлаш-ортопедия ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш. |
| 40. | Республика онкология илмий маркази негизида мастэктомия билан касалланган аёллар тиббий реабилитация кабинети ташкил этиш, уларни силикон экзопротезлари билан таъминлаш. | 2007 йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Аёллар кенгаши» ЖБ | 300,0 | Ҳомийлар маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси |
| 41. | Ногирон болалар ўртасида:<br>— икки босқичда тўртинчи миллий параолимпия ўйинлари ўтказиш: биринчи босқич — ҳар бир «Мурувват» уйида ва иккинчи босқич — Тошкент шаҳрида финал ўйинлари ўтказиш; | 2007 йил январь—сентябрь | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Миллий параолимпия уюшмаси, «Маҳалла», Болалар спортини ривожлантириш, «Соғлом авлод учун» жамғармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 30,0<br><br>5,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағи<br><br>«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Бажарувчиларнинг биргаликдаги тадбирлари. Ногирон болаларни спортга кенг жалб этиш. Уларнинг маҳорати, ўз қобилиятини намоён қилиш даражасини ошириш, уларни махсус халқаро мусобақаларда қатнашишга тайёрлаш. Имконияти чекланган болаларни спорт ўйинларига жалб этиш. Ногирон болаларнинг мақбул маънавий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш. |
| | — Бухоро шаҳрида хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида Республика махсус спорт ўйинларини ташкил этиш; | 2007 йил мобайнида | Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Спейшл Олимпикс», Хотин-қизлар қўмитаси, «Аёллар кенгаши» ЖБ, «Меҳр нури» жамғармаси | 40,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | |
| | — ногирон болалар учун «Мафтункор бўёқлар дунёси» ижодий-бадиий танловини ва танлов қатнашчилари ишларини сотиш бўйича хайрия кўргазмаларини ўтказиш. | 2007 йил II ярим йиллиги | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ногиронлар жамияти, «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар жамғармаси, Бадиий академия, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги | 50,0<br><br>10,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | |
| 42. | «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда энг намунали маҳалла» туман (шаҳар), вилоят ва республика танловини ташкил этиш. | 2007 йил октябрь | «Маҳалла» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 20,0 | «Маҳалла» жамғармаси | Меҳрибонлик ва мурувватлилик ғояларини ҳар томонлама тарғиб қилиш ва одамлар онгига сингдириш. |
| 43. | Оғир оилавий шароитлардаги аёллар учун юридик маслаҳатлар марказлари ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Аёллар кенгаши» ЖБ, Адлия вазирлиги | | | Бажарувчиларнинг биргаликдаги лойиҳаси. |
| 44. | «Меҳр нури» жамғармаси тажрибаси асосида ўз тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесини ташкил этиш истагида бўлган кам таъминланган оилалардаги аёлларга грантлар ажратиш ва ҳомийлик ёрдамларини кўрсатишда кўмаклашиш. | 2007 йил мобайнида | «Меҳр нури» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» ЖБ, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Кредит иттифоқлари уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | | | Биргаликдаги тадбирлар режаси. Кам таъминланган оилалардаги аёлларнинг фаровонлиги ва ҳаёт даражасини ошириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **IV. Жисмоний соғлом ва маънавий бой авлодни шакллантириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш, «Соғлом она - соғлом фарзанд» ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш** | | | | | | |
| 45. | Оналар ва болалар ўлимини камайтиришга кўмаклашадиган хавфсиз оналик бўйича замонавий технологияларни туғруққа ёрдам кўрсатиш амалиётига жорий этиш. | 2007—2009 йиллар мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 140,0 минг АҚШ доллари | UNFPA (БМТ аҳоли жамғармаси) маблағлари | Лойиҳани амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси. Оналар ва болалар ўлимини камайтириш. |
| 46. | Амбулатория — поликлиника бўғини ҳамда оналик ва болалик муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш:<br>— «Саломатлик — 2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш; | 2007—2009 йиллар мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 8000 минг АҚШ доллари<br><br>8520 минг АҚШ доллари | Халқаро ривожланиш уюшмаси кредити<br>Осиё тараққиёт банки кредити, ҳомийлик маблағлари.<br>«Саломатлик ва ривожлантириш» халқаро ташкилоти (Жанубий Корея) маблағлари | Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинида ҳамда оналик ва болалик муассасаларида тиббий ёрдам сифатини ошириш. |
| | — Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонасини таъмирлаш ва тиббий анжомлар билан таъминлаш; | 2007 йил мобайнида | «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 500,0 АҚШ доллари | | Болаларни даволаш учун қулай шароитлар яратиш. |
| | — акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтини замонавий даволаш-диагностика аппаратлари билан жиҳозлаш. | 2007 йил II ярим йиллиги | | 3500,0 минг АҚШ доллари | Япония Ҳукумати гранти | Аёлларга ва чақалоқларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш. Оналар ва перинатал ўлимини камайтириш. |
| 47. | Қуйидаги йўллар билан репродуктив саломатликни муҳофаза қилишни кучайтириш ва соғлом оилани шакллантириш чора-тадбирларини амалга ошириш:<br>— болалар ва фертил ёшдаги аёлларда темир моддаси, фолий кислотаси ва йод танқислигининг олдини олиш; | 2007 йил мобайнида | «Соғлом авлод учун», «Меҳр нури» жамғармалари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 160,0 минг АҚШ доллари | ЮНИСЕФ (БМТ Болалар жамғармаси) маблағлари | Оналар ва болалар соғлиги кўрсаткичларини яхшилаш. |
| | — никоҳдан ўтаётган шахсларни мажбурий тиббий текширишдан ўтказиш; | | Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 244,0 | Маҳаллий бюджетлар маблағлари | Соғлом оилани шакллантириш, туғма ногиронликнинг олдини олиш. |
| | — кутилмаган ҳомиладорликдан огоҳлантириш учун тушунтириш-профилактика тадбирларини ўтказиш ва зарур воситалар билан таъминлаш; | | Соғлиқни сақлаш вазирлиги<br>Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | 75,0 минг АҚШ доллари<br>15,0 | UNFPA маблағлари<br>Олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағлари, | Кутилмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, фертил ёшдаги аёлларни соғломлаштириш. |
| | — республика олий ўқув юртларида ахборот марказлари ташкил этиш. | | | 5,0 минг АҚШ доллари | UNFPA маблағлари | Ёшларнинг «Соғлом она — соғлом фарзанд» ҳаракати тўғрисида хабардорлигини ошириш. |
| 48. | Қуйидаги йўллар билан аёллар ва болаларни текширишни ташкил этиш:<br>— перинатал (ҳомиладорларни) ва неонатал (янги туғилган чақалоқларни) текширишларни кенгайтириш;<br>— текшириш марказларини реагентлар, дори-дармонлар билан узлуксиз таъминлаш;<br>— ирсий касалликларни ўз вақтида диагностика қилиш учун текшириш марказларини диагностика аппаратлари билан жиҳозлаш;<br>— болаларнинг туғма ривожланиш аномалиялари билан туғилиши сабабларини таҳлил қилиш ва доимий мониторингини олиб бориш;<br>— тиббий-генетик хизмат тизими кадрлари малакасини ошириш;<br>— илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ўтказиш. | 2007 йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий банк, «Соғлом авлод учун», «Меҳр нури» жамғармалари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Аёллар кенгаши» ЖБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 1529,7 минг АҚШ доллари<br><br>200,0 минг АҚШ доллари | Бюджет маблағлари | Туғма ногиронликнинг олдини олиш.<br>Туғма ривожланиш нуқсонларини аниқлашни яхшилаш.<br>Ирсий касалликларни диагностика қилишни яхшилаш.<br>Мониторинг ва текширишлар асосида болаларнинг туғма ривожланиш нуқсонлари билан туғилишини камайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 49. | «Унни фортификациялаш миллий дастури»ни амалга оширишни давом эттириш. | 2007 йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги | 1832,0 минг АҚШ доллари, шу жумладан: 1087,0 минг АҚШ доллари 400,0 минг АҚШ доллари 345,0 минг АҚШ доллари | Грант маблағлари Бюджет маблағлари «Ўздонмаҳсулот» АК корхоналари маблағлари | Аёллар ва болалар ўртасида темир моддаси танқислиги анемиясини камайтириш |
| 50. | Республика ва чет эл клиникаларида туғма ривожланиш нуқсонлари бўлган болаларни соғломлаштириш тадбирларини давом эттириш. | 2007 йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси | 8,0 минг АҚШ доллари | «Фриденс-дорф Интернейшнл» халқаро ташкилотининг грант маблағлари | Лойиҳани амалга ошириш тадбирлари режаси. Болалар ногиронлигини камайтириш. |
| 51. | «Саломатлик» ва «Соғлом она — соғлом фарзанд» поездлари ташкил этиш орқали узоқ ва бориш қийин бўлган жойларда яшайдиган оилалар тиббий-ижтимоий патронажи тизимини кенгайтириш. | 2007 йил мобайнида | «Соғлом авлод учун», «Экосан», «Маҳалла», «Меҳр нури» жамғармалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси | 110,0 5,0 | Бюджет маблағлари доирасида Ҳомийлик маблағлари | Узоқ ва бориш қийин бўлган жойларда яшайдиган аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш. |
| 52. | Тиббиёт ходимларининг:<br>— умумий амалиёт врачлари, акушер-гинекологларнинг;<br>— педиатрлар, неонатологлар, тиббиёт ҳамшираларининг;<br>— патронаж тиббиёт ҳамшираларининг оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари бўйича малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш. | 2007—2009 йиллар мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 2007 йилда 400,0 минг АҚШ доллари | ТАСИС гранти | Оналар ва болаларга тиббий ёрдам сифатини ошириш. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш. |
| 53. | Оила ролини кучайтириш, аёллар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш:<br>— маҳаллаларда, ўқув юртларида ва ҳарбий қисмларда соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш масалалари, анемия ва эндемик бўқоқ муаммолари бўйича давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиш;<br>— соғлом оилани шакллантиришни тарғиб этишга йўналтирилган танловлар ўтказиш;<br>— соғлом авлод туғилиши ва тарбияси масалалари бўйича турли ижтимоий видео ва радиоклипларни ишлаб чиқиш ва намойиш қилиш;<br>— оммавий ахборот воситалари вакиллари учун аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзи масалаларини ёритиш бўйича семинарлар ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Дин ишлари бўйича қўмита, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» ЖБ, Болалар жамғармаси | 15,0 14,0 минг АҚШ доллари | Бажарувчилар маблағлари UNFPA (БМТ аҳоли жамғармаси) маблағлари | Лойиҳани амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси. Оиланинг ролини кучайтириш, она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш. Аҳолининг репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича хабардорлигини ошириш. |
| 54. | Барча умумтаълим мактабларини қуйидаги ўқув қўлланмалари комплекти билан таъминлаш:<br>— «Саломатлик дарслари»;<br>— «Соғлом авлод асослари»;<br>— «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила»;<br>— соғлом турмуш тарзи асослари бўйича методик қўлланма;<br>— «Соғлом она — соғлом фарзанд» ҳаракати бўйича методик қўлланма. | 2007 йил II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Аёллар кенгаши» ЖБ, Молия вазирлиги | 383,0 500,0 | Бюджет маблағлари доирасида Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Лойиҳани амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси. Ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзи ва репродуктив саломатлик асослари бўйича билимлари сифати ва даражасини яхшилаш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 55. | Қуйидагиларни ишлаб чиқиш ва улардан умумтаълим ўқув юртларида фойдаланиш:<br>— соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича мультимедияли электрон ресурслар;<br>— ота-оналар учун мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш, ривожлантириш ва ўқитиш бўйича методик тавсиялар ва йўриқномалар;<br>— мактабгача муассасалар болалари билан ишлаш учун замонавий ўқув-тарбия материаллари. | 2007 йил IV чорак<br>2007 йил III чорак<br>2007 йил мобайнида | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги | 30,0<br>20,0<br>45,0<br>10,0 | Бюджет маблағлари доирасида Ҳомийлар маблағлари<br>Бюджет маблағлари доирасида<br>Бюджет маблағлари доирасида | Биргаликдаги тадбирлар режаси.<br>Ўқувчиларни соғлом турмуш тарзи бўйича хабардор қилиш ва билимларини ошириш.<br>Ота-оналарнинг мактабгача ёшдаги болалар тарбияси бўйича хабардорлигини ва психологик-педагогик билимдонлигини ошириш.<br>Болаларни мактабда ўқитишга тайёрлаш сифатини яхшилаш. |
| 56. | Қуйидагиларни яратиш ва нашр этиш:<br>— «Ёш келин-куёвларга» ва «Ёш ота-оналарга» рисолалари ва буклетлари (100 минг нусха);<br>— «Соғлом оила қурамиз», «Мен бахтли она бўламан» мавзуларидаги кўргазмали — изоҳли плакатлар (50 минг нусха), уларни маҳаллаларда, ЗАГС бўлимларида, ўқув юртларида ва тиббий муассасаларда бепул тақсимлашни назарда тутиш.<br>— мактаб ўқувчилари, талабалар учун тиббий ва экологик таълим бўйича ўқув дастурлари. | 2007 йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми», «Экосан» жамғармалари,<br>Адлия вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси,<br>«Зарафшон», «Саломатлик» экология» нодавлат нотижорат ташкилотлари | 80,0<br>20,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Тадбирлар режаси.<br>Соғлом оилани шакллантириш ва соғлом авлодни тарбиялаш учун шароитлар яратиш. |
| 57. | «Спорт-саломатлик гарови» ҳаракатини ривожлантириш ва қуйидагилар бўйича тадбирларни амалга ошириш:<br>— аёллар ва болалар ўртасида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ҳаракатининг оммавийлигини таъминлаш;<br>— маҳаллаларда спорт майдончалари ташкил этиш (408 та) ва уларни спорт анжомлари билан жиҳозлаш. | Доимо | «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармалари, «Аёллар кенгаши» ЖБ, Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | 1020,0<br>10,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари<br>«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси.<br>Касалликларнинг олдини олиш ва аёллар ҳамда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш. |
| 58. | Қуйидагилар орқали «Соғлом она – соғлом фарзанд» ҳаракатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш:<br>— телекўрсатувлар ва радио-эшиттиришлар туркумларини тайёрлаш, кўрсатиш ва эшиттириш;<br>— газеталарда ҳаракатнинг аҳамияти, мақсади ва вазифаларини очиб берадиган махсус рукнлар очиш ҳамда мунтазам равишда материаллар эълон қилиш;<br>— ҳаракатнинг аҳамиятини тарғиб қилишнинг энг яхши шакллари учун танловлар ўтказиш;<br>— ҳаракатни ривожлантириш интернет-сайтини ташкил этиш. | Доимо | Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Аёллар кенгаши» ЖБ, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, Болалар жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси | 30,0 | Бажарувчилар маблағлари | Биргаликдаги ҳаракатлар режаси.<br>Аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, оналар ва чақалоқлар ўлимини камайтириш. |
| | **V. Ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмини такомиллаштириш** | | | | | |
| 59. | Тариф ставкаларини (ЯТС бўйича бир разрядга) ошириш ва 1 тарбиячи юкламасини (гуруҳдаги 15—18 боладан 5—6 болагача) қисқартириш ҳисобига ақли заиф болаларнинг «Мурувват» уйларидаги тарбиячилар ва ўқув-ёрдамчи ходимлар иш ҳақини ошириш. | 2007 йил II чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги | 322,3 | Бюджет маблағлари | «Мурувват» уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажат-лар (млн сўм) | Молия-лаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 60. | Уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар ходимларининг оғир меҳнат шароитлари учун 15 фоизли устама ҳақ жорий этиш («Саховат» уйлари, реабилитация марказлари ходимлари учун белгиланган тўловлар каби). | 2007 йил II чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги | 57,8 | Бюджет маблағлари | Санаторийлар ходимлари меҳнатини рағбатлантириш. |
| 61. | Уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш ходимлари, шунингдек уйда ногирон болаларни ўқитадиган педагогларнинг меҳнатини Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда ойлик йўлкира ҳақини энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида, Тошкент шаҳрида энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравари миқдорида компенсация жорий қилиш орқали рағбатлантириш. | 2007 йил II чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 3018,9 | Бюджет маблағлари | Ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш. |
| 62. | «Саховат», «Мурувват» интернат-уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказ-лари, уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматлари ва ногиронлар касб-ҳунар коллежларининг моддий рағбатлантириш жамғармасини 25 фоизгача кўпайтириш. | 2007 йил II чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги | 764,3 | Бюджет маблағлари | Кўрсатилган муассасалар ходимлари меҳнатини рағбатлантириш. |
| 63. | «Энг яхши ижтимоий соҳа ходими» унвони учун танловлар ўтказиш (алоҳида тоифалар бўйича: уйда хизмат кўрсатиш, чақалоқлар уйлари, болалар уйлари, қариялар уйлари, ногиронлар ва қариялар интернатлари, ногиронлар реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун ихтисослаштирилган санаторийлари ходимлари ва ҳ. к.). | 2007 йил III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши | 30,0 | Бажарув-чилар маблағлари | Танлов ўтказиш жадвали. Ижтимоий соҳа ходимлари ишини рағбатлантириш ва уларнинг обрўсини ошириш. |
| 64. | Касаба уюшмаларининг «Наврўз» ва «Мустақиллик» байрамларида ҳар йили бериладиган «Меҳрибонлик» уйлари ходимлари учун 20 та, «Саховат» ва «Мурувват» уйлари ходимлари учун 10 та рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этиш. | 2007 йил III чорак | Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | 30,0 | Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва бажарув-чилар маблағлари | Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши (ЎКУФК) қарори. Кўрсатилган муассасалар ходимлари меҳнатини рағбатлантириш. |
| 65. | Қуйидагилар:<br>— «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйлари ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимларини;<br>— касбий фаолиятда иш стажига эга бўлган ва хизмат кўрсатган, ўсиб келаётган авлодни уйғун ҳолда тарбиялашга ҳисса қўшаётган халқ таълими, ўрта махсус ва олий таълим тизими ўқитувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича грант дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 2007 йил мобайнида | Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари уюшмаси, «Аёллар кенгаши» ЖБ | | | Биргаликдаги тадбирлар режаси. Ижтимоий ҳимоя тизими ходимлари фаолиятини янада рағбатлантириш. |
| **VI. Ўсиб келаётган авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг профессионал ва маърифий юксалишини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақти ва спорт билан шуғулланишини ташкил этиш, ёш оилаларни мустақил ҳаётга қадам қўйишда қўллаб-қувватлаш** | | | | | | |
| 66. | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати патронажи остида ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. | 2007 йил I чорак | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 125,0 шу жумладан<br>100,0 | Бажарув-чилар ва ҳомийлар маблағлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Биргаликдаги комплекс дастур. Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб этиш жараёнини рағбатлантириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 67. | Ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ёки қуришда, уй хўжалигини ободонлаштиришда кўмаклашиш, ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар бериш орқали даромад олишнинг барқарор манбаини шакллантириш. | Доимо | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 50000,0 | Тижорат банклари маблағлари | Биргаликдаги ҳаракатларнинг комплекс режаси. Ёш оилаларга ҳаётий таъминотини яратиш ва барқарорлаштириш шароитларини шакллантириш. Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб этиш жараёнини рағбатлантириш. |
| 68. | Фаолияти ёш оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва оилавий ҳаёт, психологик-педагогик муаммолар, ҳуқуқий ва бошқа масалалар бўйича маслаҳатлар беришга йўналтирилган Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 705,0 | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Қуйидагилар:<br>— касбларга тайёрлаш;<br>— маслаҳатлар бериш (ҳуқуқий, психологик, тиббий маслаҳатлар);<br>— ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш ва бошқалар бўйича хизматлар кўрсатиш. |
| 69. | — «Янги авлод-2007» болалар ижодиёти фестиваллари доирасида иқтидорли болаларни, шу жумладан кўп болали оилалардаги иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларни мақсадли қўллаб-қувватлаш ишларига;<br><br>— «Келажак овози» республика танлови ва Ёшлар ташаббуслари маркази фаолияти доирасида вилоятлардаги турли ижод йўналишлари бўйича иқтидорли болаларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва уларни бирлаштириш, шу жумладан танлов ишларини мамлакат иқтисодиётига татбиқ этишда;<br>— Санъат ва болалар ижодиёти марказларини ўсиб келаётган авлодни маданий қадриятлар билан таништириш, миллий амалий санъат анъаналарини сақлашга ўргатиш, болаларни ўқитиш, ёш талантларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ривожлантиришга;<br>— қишлоқ жойлардаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг энг иқтидорли битирувчиларига уларнинг ўқишни ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни давом эттиришида кўмаклашиш. | 2007 йил мобайнида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | 620,1 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Иқтидорли болаларни аниқлаш ва мақсадли қўллаб-қувватлаш ҳамда кўп болали оилалардаги ана шундай болаларни қўллаб-қувватлаш.<br><br>Биргаликдаги тадбирлар режаси. Болаларни санъатга жалб этиш. |
| 70. | Ҳар бир минтақада кам таъминланган оилалардан бўлган 1 минг нафардан ўсмир ва қизларнинг «Усто-шогирд» методи бўйича касб-ҳунарга ўқишини ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | «Маҳалла», «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадиий академия, «Усто» бирлашмаси | 20,0 шу жумладан: 3,0 | Бажарувчилар маблағлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Ўқитиш жадвали. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш. |
| 71. | Ёшлар учун «Мутахассисга муҳтожмиз», «Касбим-фахрим» мавзусида телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш. | 2007 йил II чорак | Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 5,0 | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси. Олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларини тамомлаган мутахассислар учун янги иш ўринлари топиш бўйича лойиҳаларни жорий этиш. |
| 72. | Ёшлар ва болалар ўртасида «Наврўз» ва «Мустақиллик» байрамларига бағишланган умуммиллий ёшлар спорт марафонини ўтказиш. | 2007 йил мобайнида | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Маҳалла», Болалар спортини ривожлантириш, «Соғлом авлод учун» жамғармалари, | 70,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Марафонларни мунтазам ўтказишни таъминлаш. Ёшларда соғлом турмуш тарзига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш. Ёш авлодни ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш. Республикада оммавий жисмоний тарбия ҳаракатини ривожлантириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | «Аёллар кенгаши» ЖБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | |
| 73. | Ҳар бир туманда аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасидан камида 5 та ёш оилага тўйларини ўтказиш ҳамда маиший шароитларини яхшилашда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш. | 2007 йил мобайнида | «Маҳалла» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати | 500,0 шу жумладан: 20,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш. |
| 74. | Ёшларни жалб этган ҳолда боғларни, шаҳарлар маҳаллалари ва аҳоли пунктлари ҳудудларини ободонлаштириш бўйича оммавий тадбирлар ўтказиш. | 2007 йил мобайнида | «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Аёллар кенгаши» ЖБ, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 25,0 шу жумладан: 5,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси. |
| 75. | «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси томонидан иқтидорли талабалар учун таълим грантлари ва стипендиялар дастурлари бўйича орттирилган тажрибадан фойдаланган ҳолда, кам таъминланган оилаларга мансуб иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 2007 йил мобайнида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги | 74,1 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Биргаликдаги ҳаракатлар комплекс режаси. |
| 76. | «Навқирон Ўзбекистон» анъанавий ва замонавий санъат фестивали лауреатларини қўллаб-қувватлаш дастури доирасида ёш рассомлар ва амалий санъат усталарини рағбатлантириш ишларида кўмаклашиш, ёш рассомлар ва ҳунармандлар сулолалари ташаббусларини қўллаб-қувватлаш. | 2007 йил мобайнида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми», жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси | 37,1 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси. |
| 77. | Тошкент шаҳрида уйғун ва жисмоний ривожланган ўсиб келаётган авлодни тарбиялашга йўналтирилган Болалар спорт комплексини ривожлантиришга кўмаклашиш. | 2007 йил мобайнида | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси | 33,4 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси. Спорт комплексини таъмирлаш. |
| 78. | Бутун республика ҳудудида аҳолининг муҳтож қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун маблағлар йиғишга, кам таъминланган оилаларнинг болалари учун байрамлар ташкил этишга йўналтирилган хайрия ва маданий тадбирлар ўтказиш. | 2007 йил мобайнида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | Биргаликдаги тадбирлар режаси. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қарорлари. Болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. |
| | **VII. Фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, давлат ва жамоатчилик томонидан уларни қўллаб-қувватлашни таъминлаш, муҳтожларга беғараз ёрдам ажратиш** | | | | | |
| 79. | Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, дорихоналарнинг ихтисослаштирилган бўлимлари орқали пенсия ёшидаги шахсларни бепул имтиёзли дори-дармонлар билан (врачлар рецепти бўйича) таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2007 йил I чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Дори-дармон» ДАК, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | | | Биргаликда таклифлар тайёрлаш. Кекса ёшдаги пенсионерларни дори-дармонлар билан таъминлашни яхшилаш. |
| 80. | Ёлғиз кексалар, уруш ногиронлари ва иштирокчилари, уруш ортида меҳнат қилганлар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларини, Чернобиль АЭСдаги ҳалокат туфайли жабр кўрганларни уй-жой-коммунал хизматлар учун компенсация сифатида ҳар ойда пул билан таъминлаш. | 2007 йил мобайнида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги | 25400 | Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси | Пенсионерлар, меҳнат ва уруш фахрийларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн. сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 81. | «Наврўз», «Мустақиллик», Янги йил, Рамазон ҳайит ва Қурбон ҳайит байрамларида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлардан 3000 кишига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш. | 2007 йил мобайнида | «Экосан» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Аёллар кенгаши» ЖБ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Нуроний», «Меҳр нури» жамғармалари | 250,0 | «Экосан» жамғармаси ва ҳомийлар маблағлари | Аҳолининг муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш. Кекса фуқароларнинг фаол узоқ умр кўришларини таъминлаш. |
| 82. | «Нуроний» шифохонасининг Геронтология марказида (Тошкент шаҳри) даволашнинг замонавий геронтология методларидан фойдаланган ҳолда 1,2 минг нафар, шу жумладан вилоятлардан 250 нафар кекса фуқароларни соғломлаштириш. | 2007 йил мобайнида | «Экосан» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Аёллар кенгаши» ЖБ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Нуроний», «Меҳр нури» жамғармалари | 50,0 | Ажратилган маблағлар ва ҳомийлар маблағлари доирасида | Кекса фуқароларнинг фаол узоқ умр кўришларини таъминлаш. |
| 83. | Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган кексаларни уларга талабалар ва ўқувчилардан тузилган «Ғамхўрлик гуруҳлари»ни бириктириб қўйиш йўли билан ижтимоий муҳофаза қилиш қамровини кенгайтириш. | 2007 йил мобайнида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Нуроний», «Маҳалла», «Меҳр нури» жамғармалари, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, нодавлат нотижорат ташкилотлари | 10,0 | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бажарувчилар маблағлари | Кекса фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш. |
| 84 | Республиканинг ҳар бир минтақасидан кам таъминланган кекса фуқаролар (камида 30 минг киши) учун тарихий шаҳарларни ва муқаддас қадамжоларни (Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз шаҳарларини) зиёрат қилишни бепул ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Маҳалла», «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми», «Нуроний» жамғармалари | 400,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчилар тадбирлари. Кексаларнинг кўнгилли дам олиши учун шароитлар яратиш. |
| 85. | Спорт фахрийларини жалб қилиш орқали катта авлод ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси | 10,0 | Бажарувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма қарори. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш. |
| 86. | Махсус хайрия тадбирларини ишлаб чиқиш ва ташкил қилиш, кам таъминланган оилаларга, шу жумладан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва меценатларни, айниқса «Наврўз», «Мустақиллик», Рамазон ҳайит ва Қурбон ҳайит байрамларини нишонлаш вақтида хайрия ишларига жалб этиш. | 2007 йил мобайнида | Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Меҳр нури», «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий уюшмаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 700,0 шу жумладан:<br><br>200 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари<br><br>Касаба уюшмалари маблағлари | Бажарувчиларнинг келишилган тадбирлари. Кексаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашни таъминлаш. |
| 87. | Ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларни телефон алоқаси билан таъминлаш даражасини ошириш. | 2007 йил мобайнида | Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 40,0 | Бажарувчилар маблағи | Аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламлари алоқа воситаларидан фойдаланишини яхшилаш |
| 88. | Уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уруш ортида меҳнат қилганлар, кўзи ожиз биринчи гуруҳ ногиронларининг шаҳар йўловчи транспортида бепул юришини ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги | 150,0 | Бажарувчилар маблағи | Ҳокимликлар қарорлари. Аҳолининг муҳтож гуруҳларини моддий қўллаб-қувватлаш. |
| 89. | Ўзбекистон мустақиллигининг 16-йиллигига бағишланган машҳур санъат усталари иштирокида «Фахрийлар куйлаганда» адабий-мусиқий санъат кечасини ташкил этиш. | 2007 йил август | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари | 10,0 | Бажарувчилар маблағи | Маданият фахрийларининг талантини эъзозлаш. |
| 90. | Катта авлод вакиллари билан ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, ҳуқуқ-тартиботни кучайтириш, уларда Ватанга муҳаббатни, ота-оналар ва кексаларга нисбатан ҳурматни тарбиялаш. | 2007 йил мобайнида | «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги | | Бажарувчилар маблағи | Ёш авлодда маънавият, ахлоқ ва ватанпарварликни тарбиялаш. |

**Жами харажатлар эквивалентда** **390 114,6 млн сўм,**
шу жумладан: – **356 342,8 млн сўм**
**26 384,2 минг АҚШ доллари**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 1-2-сон, 10-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 28 ноябрдаги 245-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 3 январь*
*4-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2007 йил 3 январдаги 4-сон қарорига*
*ИЛОВА*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарорида:

а) 1-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишларидаги ўзгартиришлар қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаси томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича амалга оширилади»;

б) 7-банднинг тўртинчи хатбошига «шунингдек хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишларига риоя қилишлари» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 7-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги низом 9-бандининг ўн саккизинчи хатбошига «хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш» сўзлари қўшилсин.

---

*ПОСТАНОВЛЕНИЕ*
*КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН*

## О ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ МЕРАХ ПО СТАБИЛИЗАЦИИ ПОТРЕБЛЕНИЯ ЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ ЭНЕРГИИ*

*(«Собрание законодательства Республики Узбекистан», 2007 г., N 1–2, ст. 16)*

В целях создания благоприятных условий для производственной деятельности предприятий важнейших отраслей экономики и крупных промышленных предприятий, обеспечения существенного роста промышленного производства и рационального использования электрической энергии Кабинет Министров **постановляет:**

1. ГАК «Узбекэнерго»:

совместно с Государственной инспекцией «Узгосэнергонадзор», соответствующими министерствами и ведомствами в двухмесячный срок осуществить комплекс мер по переустройству электрических сетей предприятий, согласно приложению, включая установку современных приборов учета, направленных на обеспечение бесперебойной поставки электрической энергии;

принять дополнительные меры по обеспечению бесперебойной поставки электрической энергии абонентам, производящим своевременную оплату за электроэнергию, в установленном порядке.

2. Установить, что:

переустройство электрических сетей, установка приборов учета, а также их финансирование осуществляются в соответствии с законодательством, на основании договора между энергоснабжающим предприятием и абонентом;

руководители энергоснабжающих предприятий ГАК «Узбекэнерго» несут персональную ответственность за неправомерное отключение абонентов от подачи электрической энергии;

руководители органов государственного управления, органов государственной власти на местах и других государственных органов несут персональную ответственность за незаконное вмешательство в деятельность энергоснабжающих предприятий и их абонентов.

3. Руководителям министерств, ведомств и абонентам обеспечить своевременное проведение взаиморасчетов за поставленную электроэнергию.

4. Государственному налоговому комитету (Парпиев) усилить контроль за своевременностью и полнотой поступления средств за потребленную электрическую энергию, и при выявлении нарушений порядка взаиморасчетов за электрическую энергию принимать, в установленном порядке, меры по привлечению виновных лиц к ответственности.

5. Узгосэнергонадзору (Гулямов), ГАК «Узбекэнерго» (Тешабаев), Государственному налоговому комитету (Парпиев) в недельный срок создать на местах специальные рабочие группы по мониторингу выполнения настоящего постановления и ежемесячно докладывать в Кабинет Министров о ходе его выполнения.

6. Председателю Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимам областей и города Ташкента в недельный срок разработать и утвердить необходимые меры по обеспечению надлежащего выполнения настоящего постановления.

7. Принять к сведению, что за самовольное подключение к электрическим сетям должностные лица предприятий и организаций могут быть привлечены к административной и уголовной ответственности в соответствии с законодательством.

8. Контроль за выполнением настоящего постановления возложить на заместителей Премьер-министра Республики Узбекистан Р.С.Азимова и Э.Р.Шаисматова.

***Премьер-министр Республики Узбекистан***
***Ш.МИРЗИЯЕВ.***

*г. Ташкент,*
*11 января 2007 года*
*№ 12.*

---

***Қарор рус тилида берилади.***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ, ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## АЛКОГОЛЛИ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИГА ЯНГИ НАМУНАДАГИ АКЦИЗ МАРКАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 февралда 1320-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 4-6-сон, 49-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ-505-сон «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 45-сон, 440-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 11 февралдаги 31, 2004-22, 03-02/8-14-сон Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга (2004 йил 3 март, рўйхат рақами 1320 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 9-сон, 110-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

| | | |
|---|---|---|
| ***Молия вазири*** | ***Давлат солиқ қўмитаси раиси*** | ***Давлат божхона қўмитаси раиси*** |
| ***Р.АЗИМОВ.*** | ***Б.ПАРПИЕВ.*** | ***С.НОСИРОВ.*** |
| *3-сон* | *2007-01-сон* | *01-02/8-1-сон* |

*Тошкент ш., 2007 йил 8 январь*

****2007 йил 13 февралдан кучга киради.***

*ЎзР МВ, ДСҚ, ДБҚнинг 2007 йил 8 январдаги 3, 2007-01, 01-02/8-1-сон қарорига ИЛОВА*

## «АЛКОГОЛЛИ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИГА ЯНГИ НАМУНАДАГИ АКЦИЗ МАРКАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА» ҚАРОРГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Қарорнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 ноябрдаги «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-505-сон қарорига мувофиқ («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2006 йил 45-сон, 440-модда) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси қарор қиладилар:».

2. Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 ноябрдаги «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-505-сон қарорига мувофиқ («Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами», 2006 йил 45-сон, 440-модда) алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартибини белгилайди.»;

б) 1-банднинг биринчи хатбошиси «ва ҳар 2 йилда янгиланади.» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эски намунадаги акциз маркалари ёпиштирилган алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотишга, мазкур Низомнинг 5 ва 10-бандлари талабларини ҳисобга олган ҳолда янги намунадаги акциз маркалари жорий этилган кундан бошлаб олти ой мобайнида рухсат берилади.»;

г) 3-банд «корхонанинг номи» деган сўзлардан кейин «ва истеъмол идишининг ҳажми литрларда» сўзлари билан тўлдирилсин;

д) 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Эски намунадаги акциз маркалари ёпиштирилган алкоголли ва тамаки маҳсулотлари қолдиқларига савдо ташкилотлари томонидан марка ёпиштириладиган акцизли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар учун белгиланган тартибда «MUSODARA QILINGAN» деб ёзилган ва тегишли код рақамлари билан биргаликда янги намунадаги акциз маркаларининг тегишли миқдорини харид қилишга буюртманома тақдим этилади.»;

е) 19-бандда «дўконларга» сўзи «савдо ташкилотларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар АТ «Пахта банк» билан келишилган.

***А.БОЙМУРОТОВ,***
***АТ «Пахтабанк» раиси.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 8 январь*
*206-сон.*

*****Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА***

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 февралда 1097-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 4-6-сон, 50-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январда 7 ва 2002-8-сон

******2007 йил 15 февралдан кучга киради.***

қарор билан тасдиқланган Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (2002 йил 15 февраль, рўйхат рақами 1097 — Норматив ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 3-4-сон; 2003 й., 4-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 10-сон, 121-модда; 2005 й., 5-6-сон, 41-модда; 41-42-сон, 324-модда) 1 банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Мазкур Йўриқнома солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби ўрнатилган тўловчиларнинг айрим тоифаларига татбиқ этилмайди, агар уларда қонун ҳужжатларига мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятлар пайдо бўлмаса».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*10-сон*

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
***Б.ПАРПИЕВ.***
*2007-05-сон*

*Тошкент ш., 2007 йил 18 январь.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,*
*ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 февралда 1098-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 4-6-сон, 51-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 6 ва 2002-10-сонли қарори билан тасдиқланган Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 15 февраль, рўйхат рақами 1098 — Норматив ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 3-4-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 5-сон 62-модда; 2004 й., 26-сон, 305-модда; 2005 й., 5-6-сон, 42-модда; 2005 й., 43-44-сон, 333-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*11-сон*

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
***Б.ПАРПИЕВ.***
*2007-06-сон*

*Тошкент ш., 2007 йил 18 январь.*

***2007 йил 15 февралдан кучга киради.***

*ЎзРМВ ва ДСҚнинг*
*2007 йил 18 январдаги 11, 2007-06-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИГИ УЧУН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. 2-банд чиқариб ташлансин.

2. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан, 1-иловага биноан, кенг тарқалган фойдали қазилмаларни уларга берилган ер участкалари доирасида ўз хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун қазиб олишни амалга оширувчи ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар озод этиладилар.

Мазкур бандга мувофиқ ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан юридик ва жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун ўз ҳудудида қазиб олинган ва ишлатиладиган кенг тарқалган фойдали қазилмалар ҳажми озод этилади.»

3. 11-банд «б» кичик бандининг биринчи хатбошисида «ҳар чоракда, ҳисоб-китобларни тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай сўзлари «ҳар чоракда, чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш муддатларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

****Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.***

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,*
*ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ЯГОНА ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА***

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 февралда 1102-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 4-6-сон, 52-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 31 январдаги 29 ва 2002-27-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 5 март, рўйхат рақами 1102 — Норматив ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5-сон; 2003 й., 1-2-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004

*****2007 йил 15 февралдан кучга киради.***

й., 7-сон 87-модда; 2005 й., 5-6-сон, 44-модда; 2006 й., 28-29-сон, 276-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Молия вазири***
**Р.АЗИМОВ.**
*12-сон*

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
**Б.ПАРПИЕВ.**
*2007-04-сон*

*Тошкент ш., 2007 йил 18 январь.*

*ЎзР МВ ва ДСҚнинг*
*2007 йил 18 январдаги 12, 2007-04-сон қарорига*
ИЛОВА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ЯГОНА ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР***

1. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари умумбелгиланган тартибдаги жами солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўрнига қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш бўйича ягона ер солиғини тўлайдилар, бундан қуйидагилар мустасно:

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бажарган ишлар (кўрсатган хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи;

акциз солиғи (акцизли маҳсулот ишлаб чиқарилганда);

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;

божхона тўловлари;

давлат божлари;

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим;

ягона ижтимоий тўлов;

давлат мақсадли жамғармаларига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига харид қилинган ва вақтинча олиб кирилган автотранспорт воситаларининг қийматидан йиғим.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш бўйича қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари мазкур фаолият тури бўйича ягона ер солиғи тўлайдилар ва солиқ солишнинг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқига эга эмаслар».

2. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Шунингдек ягона ер солиғини тўловчи ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун тўлов манбаида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш ҳамда уларни бюджетга ўтказиш бўйича мажбуриятлар сақлаб қолинади».

3. 5-банд иккинчи хатбошисининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда агар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига мансуб бўлсалар, фаолиятнинг бошқа турлари бўйича улар тўловчиларнинг тегишли тоифаси учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини ёки умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашлари мумкин».

***Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.***

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,*
*ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 февралда 1118-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 4-6-сон, 53-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 21 январдаги 19 ва 2002-20-сон қарори билан тасдиқланган Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 27 март, рўйхат рақами 1118 — Норматив ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 6-сон; 2003 й., 4-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 5-6-сон 47-модда; 2006 й., 15-сон, 128-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Молия вазири***
**Р.АЗИМОВ.**
*9-сон*

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
**Б.ПАРПИЕВ.**
*2007-03-сон*

*Тошкент ш., 2007 йил 18 январь.*

***2007 йил 15 февралдан кучга киради.***

*ЎзР МВ ва ДСҚнинг*
*2007 йил 18 январдаги 9, 2000-03-сон қарорига*
ИЛОВА

**ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР*****

1. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Мазкур Йўриқнома улар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби белгиланган айрим турдаги тўловчиларга, уларда қонун ҳужжатларига мувофиқ ер солиғини тўлаш бўйича мажбуриятлар вужудга келмайдиган ҳолларда, татбиқ этилмайди».

2. 23-банднинг «г» кичик банди чиқариб ташлансин.

****Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.***

РЕКЛАМА & АХБОРОТ

# Бизнес Панорама

«Норма маслаҳатчи» 9 (86)-сон 2007 йил 27 февраль

**"ART FLEX" МЧЖ ҲАММАСИ ОФИС УЧУН**

**КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ ЁЗУВ-ЧИЗУВ ҚУРОЛЛАРИ:**

- Қаламлар, ручкалар, кнопкалар, скрепкалар, папкалар, лотоклар, органайзерлар, босиш учун ускуналар, степлерлар, тешкичлар, ташрифномалар ва бошқалар
- Оппоқ ва сариқ картондан тезтиккичлар, папкалар, рўйхатдан ўтказиш учун журналлар, блокнотлар, кундаликлар
- Қоғоз: "Снегурочка", "Svetocopy" ва офис учун бошқа қоғозлар
- Кўп функцияли телефон аппаратлари, факслар
- Электр ва маиший товарлар, соатлар

Чирчиқ ш., Ёшлик кўч., 2-уйдаги дўкон сотилади

Тўлов исталган шаклда

Тел.:144 04 93, 144 37 92
Манзил: Навоий кўч., 30-уй
(мўлжал – Навоий кўчасидаги савдо ярмаркаси рўпарасида)

Тел.: 68-75-97, 67-97-53
Манзил: Муртазоев кўч., 17
(мўлжал – 15-шаҳар касалхонаси рўпарасида)

Poligraf Media
сифат бизнинг шиоримиз

- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Уяли: (99890) 187-9797, 188-9898

Тўлов исталган шаклда • Товар сертификатланган •

**"GAMILON" МЧЖ таклиф этади**

**КАНЦТОВАРЛАР**

Шартномавий нархлар

Манзил: Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 6 А
Тел.: 144-66-81, 144-85-23, 395-19-99

pr_624

S-1406

Ишлаб чиқарувчидан

**Тезтиккичлар**
**Қоғоз учун папкалар**
**Ёзув-чизув дафтарлари**

Т./ф.: (998 71) 169-65-79, 169-65-59

Товар сертификатланган

**"AL-VORIS" МЧЖ**

Тўлов исталган шаклда

pr_625

КАНЦТОВАРЛАР ⊃ мактаб ва офис анжомлари
САРФЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ ⊃ ташкилий техникага
ҲАР ҚАНДАЙ ⊃ бухгалтерия бланкалари ва буюртмага
ЭЛЕКТР-ХЎЖАЛИК, МАИШИЙ ТОВАРЛАР ⊃ кенг ассортиментда

Манзил: Тошкент ш., Навоий кўч., куйи савдо расталари
Тел.: 144-53-15, 144-54-12, тел./факс 144-53-18

Товар сертификатланган

## ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

Таржималар бюроси: нотариал тасдиқлаш, қонунийлаштириш.
Тел.: 152-38-71, 108-79-76.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр. Тел. 361-52-39.

Бухгалтерия ҳисоби. Расмий ва малакали. Маслаҳатлар.
Тел. 361-52-39.

Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш.
Тел. 361-52-39.

ЎзИНФО-БУХГАЛТЕР компьютер дастури. "NORMA" АҲТни улаган ҳолда бухгалтерия, солиқ, омбор ҳисоби.
Молиявий таҳлил, ҳисобот.
Тел.: 186-23-99, 133-49-80.

"PASKAL AYES" МЧЖ сплиттизимдаги кондиционерлар, совуткичларни таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш учун 2007 йилга шартномалар тузади.
Тел.: 317-52-76, 50-52-76 (18.00 дан кейин).

ТИФ иштирокчиси маълумотномаси, ТИФ ТН, тушунтиришлар, товар ҳақида маълумот, божхона тўловлари. Тел. 107-67-18.

ХАЖМДОР ҲАРФЛАР, ЁРИТКИЧЛИ ҚУТИЛАР, ПЕШЛАВҲАЛАР, ВИВЕСКАЛАР, ШТЕНДЕРЛАР, КЎРСАТКИЧЛАР, ШУНИНГДЕК ИНТЕРЬЕРЛАР ДИЗАЙНИ

ШУНДАЙ РЕКЛАМАКИ...

PAINT GRAPH РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ

191-87-95

**ТАШКИ реклама**

PR_164_07

155-21-17, 182-25-03

Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «СБХ» таҳририятига 144-44-45 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

| | | | |
|---|---|---|---|
| **ШЕСТИГРАННИК** | | S-19 мм, S-26 мм | марки сталей |
| **КРУГ** | | от 14 до 250 мм | 3сп, 20-70, 20Х-40Х, 18ХГТ, А12 |
| **ЛИСТ** | Г/к<br>Х/к | ст. 3СП5, ст. 09Г2С<br>ст. 08КП | 1,8-2,0-2,5-3-4-5-6-8-10-12-18-25 мм<br>0,8-1,0-1,2-1,4 мм |
| **ТРУБА** | котловая<br>квадратная | 28х3,0 мм<br>40х40х2,0 мм | 2 000 000 сум./тонна<br>1 500 000 сум./тонна |

т/ф: 361-35-61, 55-76-74, e-mail: vklim_70@mail.ru

PR_126_07

www.pc.uz

Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

**DESK INVEST**

МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦА, ПРОФНАСТИЛ

ЎЗБЕКИСТОН-АВСТРИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ва томнинг бошқа юқори сифатли элементларини рангли гаммада, исталган миқдорда ишлаб чиқаради ва монтаж қилади

*Ҳақиқий Финляндия сифати. Кафолат - 50 йил*

Шунингдек Россияда ишлаб чиқарилган, қалинлиги 1,5 мм дан 30 мм гача бўлган

катта миқдорда ПЎЛАТ ПРОКАТИ мавжуд

pr_68

УЛГУРЖИ НАРХЛАР

Тел.: 399-06-56, 399-06-57, 103-20-42; факс 390-54-50

Товар сертификатланган

Хизматлар лицензияланган

pr_67

STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION

**МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда**

***30 дан зиёд офис ва 300 агент***

- *транспортнинг барча турларида юк ташиш*
- *юкларни "эшикдан эшиккача" етказиб бериш*
- *импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви*

BVQI UKAS

Компания года

Тел.: 132-23-31, 132-24-12. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

